

Talonrakennusteollisuus ry (Финляндия қурилиш саноати бирлашмаси)га аъзо компаниялар учун

Финляндияга хориждан келувчи ишчилар учун кўрсатмалар

Коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш қурилиш ҳудудида ишловчи барчанинг умумий мажбуриятидир. Мазкур кўрсатмаларда Финляндияга хориждан келувчи ишчиларга йўл-йўриқ кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган.

Қатнов бўйича чекловлар

Финляндияга келганингизда иш берувчингиз билан биргаликда қатов бўйича жорий чекловларни текширинг.

Агар Финляндияга чекловлар ҳали ҳам амал қилувчи давлатдан келсангиз, ўзингизни 14 кун давомида карантинда сақлашингиз лозим.

<https://raja.fi/en/covid19-info>

Қурилиш саноатида ўз-ўзини карантинда сақлаш

Ўз-ўзини карантинда сақлаш Финляндияга етиб келганингиздан кейин 14 кун давомида имкон қадар бошқа одамлар билан яқин алоқада бўлишнинг олдини олишингиз ва ўйда қолишингиз лозимлигини англатади.

- **Ўзингизни карантинда сақлаш муддати давомида қурилиш ҳудудига борманг.**
- Уйда қолинг. Зарурат бўлмаса, уйингиздан ташқарига чиқмаслигингиз лозим.
- Жамоат транспортдан фойдаланманг.
- Бошқалар билан 1-2 метрлик масофани сақланг.
- Тавсияга мувофиқ юз ниқобидан фойдаланинг.

Қурилиш ҳудудида ишлаш

Иш жараёни бўйича умумий кўрсатмалар

Барча ҳолатларда қуйидагиларни ёдда тутинг:

- Фақат соғлом бўлсангизгина ишга келинг.
- Бошқалар билан жисмоний алоқага киришишдан сақланинг. Ҳеч ким билан қўл бериб ёки қучоқлашиб кўришманг.
- Бошқалар билан камида 1-2 метрлик хавфсиз масофани сақланг.
- Аксирган ёки йўталганингизда оғзингизни бир марталик сочиқча ёки енгингиз билан тўсинг.
- Қўлингизни совун билан яхшилаб ювинг ва гигиена қоидаларига риоя қилинг.

- Koronavilkku иловасини телефонингизга юклар олинг. Koronavilkku – коронавирус билан зарарланган бўлсангиз, бу ҳақида сизни ўзининг мустақил баҳолаши асосида хабардор қилувчи мобил илова.
<https://koronavilkku.fi/en/>

Қурилиш ҳудудига бориш

- Жамоат транспортдан фойдаланишдан сақланинг.
- Қурилиш ҳудудига ўз автомобилнинг ёки иш берувчи томонидан ташкиллаштирилган транспорт воситасида бориш.

Турар жой

- Бошқалар билан бирга яшаладиган ўйда ҳар доим етарлича хавфсизлик масофасини сақланг.
- Бир ўйда яшовчи бошқа кишилар билан жисмонан яқин алоқада бўлишдан сақланинг.
- Ошхона ва ҳожатхона каби биргаликда фойдаланиладиган шароитлардан навбат билан фойдаланишга келишиб олинг.
- Кофе машинаси, эшик тутқичлари ҳамда бошқа биргаликда фойдаланиладиган буюмларнинг юзасини артинг ва дезинфекция қилинг.

Қурилиш ҳудудида ишлаш

- Таништириш жараёнида берилган кўрсатмаларга амал қилинг.
- Қурилиш ҳудудида ҳаракатланиш ва ишлаш жараёнида, шунингдек, танаффуслар пайтида бошқалар билан камида 1-2 метрлик хавфсиз масофани сақланг.
- Фақатгина белгиланган йўналишлардан фойдаланинг.
- Зарур ҳолларда ҳудудда ҳаракатланиш вақтлари бўйича келишиб олинг.
- Ижтимоий объектлардан фойдаланиш учун навбатингиз қачон келишини назоратчилардан сўранг.
- Агар ижтимоий объектлар фақат ўзингиз учун мўлжалланмаган бўлса, улардан фойдаланиш учун ҳудудда ишлаётган бошқа кишилар билан танаффусларни орасида етарлича вақт қолдирган ҳолда режалаштиришингиз лозим.

Касал бўлиб қолганда нима қилиш керак

- Агар грипга чалинсангиз ёки коронавирус инфекциясини юқтириб олган бўлишим мумкин деб ўйласангиз, қурилиш ҳудудига борманг. Ўз ўйингизда қолинг. Битта ўйда яшаётган бошқа кишилардан ўзингизни изоляция қилинг.
- Иш берувчи ёки шифокорингизга мурожаат қилинг.
- Ҳатто фақат енгил белгилари бўлса ҳам, коронавирусга тест топширинг.
- Иш берувчингиз ва қурилиш ҳудудидаги асосий пудратчингизни тест топшираётганингиздан хабардор қилинг ва уларга тестингиз натижалари ҳақида хабар беринг.